

Спирт аралашган хушбўйлантйрувчи атирларни сепиш мумкинми?



15:04 / 19.09.2020 4948

Савол:

Ассалому алайкум, бозорларда сотилаётган спирт аралашган ҳар турдаги хушбўйлантйрувчи атирларни намоз ўқиётганда сепиш мумкинми? Қуръон оятлари ва ҳадис билан исботлаб беринг, илтимос.

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аввало, билиб қўйингки, шариатнинг манбалари фақат Қуръон ва ҳадисдан иборат эмас. Балки ижмоъ ва қиёс ҳам бор. Шунингдек, масолиҳи мурсала, урф, «шаръу ман қоблана шаръун лана» ва бошқа манбалар ҳам бор. Ҳар бир нарсани Қуръон ва Ҳадис билан исботлаб беришни сўраш Қуръон ва Ҳадис асосида қабул қилинган манбаларни инкор қилиш бўлади.

Иккинчидан, фатво сўровчи киши далил келтиришни талаб қилиши ҳам одоб доирасидан ташқари ҳисобланади.

Мен сизнинг саволингизга барча уламолар иттифоқ қилган гапни келтириш билан жавоб бераман:

Сиз «спирт» деб атаган нарса алкоголь моддалар жумласига киради. «Алкоголь» сўзи ажнабий тилдан кириб қолган, лекин ажнабийлар ҳам алкогольни арабча «ал-куҳл»дан олишганлиги маълум ва машҳур. Араб табиблари турли моддалардан олинган ал-куҳлни дори сифатида қўллашган. Ана шу алкоголь нарсалар шариат нуқтаи назаридан нажас ҳисобланмайди. Бу ҳукм «ҳамма нарсанинг асли покдир» қоидаси асосида бўлган. Хусусан, ўша алкоголь нарсалар холис ўзи бўлса ҳам, бошқа нарса аралаштирилмаган бўлса ҳам, ёки сувга аралаштирилган бўлса ҳам барибир. Шу билан бирга, «хамр», яъни ароқ ва ичимлик ичиб маст бўлиш учун тайёрлаб қўйилган нарсалар маънавий жиҳатдан нажосат ҳисобланади. Шунга биноан, шариат нуқтаи назаридан алкоголь – яъни спиртли нарсалар тиббий ҳожат учун ишлатиладиган қилиб тайёрланган бўлса, улардан терини, яраларни, тиббий асбоб-ускуналарни тозалаш учун, микробларни ўлдириш учун фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тиббий маънода ва тиббий ниятда тайёрлаб қўйилган спиртларни ҳиди яхши бўладиган атирлар учун ишлатилса бўлади, чунки бундаги баъзи бир моддалар фақат ана ўша спирт билангина эриши мумкин. Шунингдек, баъзи бир кремлар тайёрлашда ҳам мана шу нарса ишлатилади. Лекин бу ичиладиган, маст қилувчи хамр – ароқ ҳукмига кирмайди. Аммо алкоголь нарса маст қилувчи модда бўлганлиги учун уни ичиш, тановул қилиш мутлақо ҳаромдир.

Валлоҳу аълам.

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан олинди